

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ ҚЎНҒИРОТ УРУҒИ ЭТНИК ТАРИХИ МУАММОЛАРИ

Муртоз Усмонов,

Қарши давлат университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
Нормамаатов Мақсуд 2-курс магистранти.**ANNOTATSIYA**

Ушбу мақолада, этник тарих муаммоси: назарий-методологик қарашлар ва қўнғирот уруғи этник тарихининг айрим назарий масалалари тарихий –этнологик таҳлил асосида илмий тарзда ёритилган.

Калит сўзлар: Этнографик гуруҳ, этник гуруҳ, этнос, субэтнос, қўнғирот - “қўштамғали”, “вахтамғали”, “ойинли”, “хонжиғали”, “тортувли”, уруғ, қабила, элат, миллат, халқ, қишлоқ, оқсоқол, этноним, (тира, тўпор, тўп, ота, даҳа), уруғдошлик (авлод, уруғ, отадош, пушт, насил, аймоқ, жигардош), эл, юрт яъни “қўнғирот эли” ёки “Бойсун – қўнғирот юрти, Жийдали – Бойсун, қапа, чайла, лочиғ.

Этнология фанида халқлар ҳаёт тарзи билан боғлиқ кўплаб терминлар ва назарий масалалар борки, уларни тадқиқ этмасдан туриб этник тарих борасида фикр билдириш қийин. Чунончи, қўнғиротларга нисбатан тадқиқотчилар кўпроқ этнографик гуруҳ ёки субэтнос терминларини қўллайдилар. Таниқли этнограф олим К. Шониёзовнинг ёзишича, этнографик гуруҳ–маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан) бири бўлиб, ўзининг баъзи хусусиятлари билан тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилган[1]. Этнографик гуруҳ, одатда, бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб келиши натижасида вужудга келади. Масалан, ўзбеклар таркибидаги қўнғиротлар этнографик гуруҳ ҳисобланади. Баъзи вақтларда этнографик гуруҳ ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этник бирлигига қўшилиши натижасида ҳам вужудга келган. Бу хилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида келиб, маҳаллий халқнинг ичида яшаб, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини қабул қилиб, унга аралашиб борган. Аммо, буларнинг маълум қисми ўз тили, ўзлиги ва моддий маданиятидаги баъзи хусусиятларини сақлаб келган.

Этнологияда “этнографик гуруҳ” билан бирга “этник гуруҳ” термини ҳам қўлланилади. Этнографик гуруҳдан этник гуруҳнинг фарқини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқидан (қабила, элат) ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари, турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзларини шу халқ номи билан атайдиган бўлиб қолади. Шу билан бир қаторда, бу гуруҳ ўз этник номини ўтмишда қайси қабила, элатга мансуб эканлигини, баъзи анъаналарини сақлаб қолган бўлади[1]. Масалан, қўнғиротлар XIX аср иккинчи ярми – XX асрда ўзбек халқининг таркибида (ўз лаҳжалари, турмуш тарзи, маданий ҳаётидаги баъзи хусусиятларини сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида улар (қўнғирот) этник гуруҳ ҳисобланган.

Энди этник муммолар билан боғлиқ айрим назарий-методологик қарашларни батафсилроқ таҳлил қилиб ўтамыз.

1. Эссенциалистик (примордиалистик) қарашлар. Примордиализм (инглиз тилидаги “primordial” - “бошланғич”, “дастлабки”, “азалий” деган сўздан олинган) йўналишининг машҳур намояндалари қаторига К. Гирц, Р. Гамбино, У. Конноро, Ю. В. Бромлей, Э. Стуард, Ван ден Берг, Л. Гумилев каби хорижлик олимлар билан бир қаторда К. Шониёзов, А. Асқаров ва У. Абдуллаев каби ўзбекистонлик тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Бу йўналиш тарафдорларининг таъкидлашича, этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга бўлган аниқ феномендир[2]. Айнан мазкур қараш тарафдорларини ижтимоий-биологик ва тарихий-эволюционистик йўналишларга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш тарафдорлари ўрганилаётган кўринишни мисоли кенг қариндошлар гуруҳидан иборат кишилар ёки инсонларни табиат ёки маълум бир ландшафт билан алоқаси шаклида талқин қилишни таклиф қилган[3]. Иккинчи йўналиш бўлган тарихий-эволюционистик йўналиш тарафдорлари этникликни маданият ва тарих маҳсули тарзида, этносни эса тарихий таркиб топган кишилар гуруҳи тарзида талқин қиладилар. Улар фикрича, этнос – аниқ бир ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номи (этноними)га ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир[4].

Этносининг шаклланишидаги энг муҳим аломатлардан бири – мазкур этносга мансубликни идрок этиш, яъни этник ўзликни англаш ҳиссидир. Этник ўзликни англаш ҳисси мазкур халққа тегишли фуқаролар томонидан ўзларининг келиб чиқиш тарихи ва тарихий тақдирлари умумийлиги тўғрисидаги тасаввурлар асосида шаклланади. Масалан, маълум бир қисм кўнғиротлар турли мамлакатларда яшасалар-да, ўзларини тарихий ватанлари билан боғлайдилар. Шу боис улар орасида “Арқа журт” тушунчаси XX асрнинг 70 – 80 йилларигача сақланиб қолган. Қолаверса, ҳар бир этник жамоага мансуб кишилар ўзларини бошқа гуруҳга мансуб одамлардан “биз” ва “улар” деган антитезис асосида ажратиб талқин қиладилар[5].

Этнос назарияси борасида машҳур туркийшунос олим Л. Н. Гумилев эса аксинча: “Этнос ижтимоий эмас, балки биогеографик ҳосиладир. Этнос биосферанинг таркибий қисми бўлгани боис ундаги қонуниятларга бўйсунди ”, – деб таъкидлайди [3]. Шунингдек, айрим муаллифлар (айниқса Л. Н. Гумилев ва Ю. В. Бромлей) этнос одамлар ижтимоий ҳаётининг бирмунча универсал шакли бўлган ва бўлиб қолади, ҳар бир киши у ёки бу этнос назариясига альтернатив қарашлар ва концепциялар мавжудлиги ёки замонавий Ғарб ва Европадаги айрим мактаб вакиллари этнос назариясини кескин танқид қилаётганлиги, ҳатто баъзи назариётчи тадқиқотчилар ушбу назарияни буткул рад этишларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Айрим қарашларга кўра, кўплаб одамлар ўзларини у ёки бу этносга тегишли деб ҳисобламайдилар. Уларнинг ижтимоий ўзига хослиги, ўз навбатида, давлатга ёки диний жамоага мансублигига қараб ҳам аниқланади. Умуман олганда, сўнгги вақтларда модернизмдан кейинги фалсафага асосланган замонавий этнология фанида этносга қуйидагича таъриф берилади: Этнос – бу умумий ном (этноним)га, маданиятда умумий ўхшашликларга эга бўлган, жамоавий тарихий тафаккурга ва келиб чиқиш тарихини умумий мифологик тарзда тасаввур этувчи, ўзларини маълум бир ҳудуд билан боғлиқ ҳамда ҳамфикр деб билувчи кишилар гуруҳидир. Чунончи, бунда олдинги назарияларга асос бўлган ҳудудий ва тарихий жараёнлар билан боғлиқ тарздаги объектив маълумотлар эмас, балки субъектив жиҳатлар: жамоавий тафаккур, мифология, тасаввур этиш муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг сўнгги чорагига келиб “этнос” назарияси ғарб ва россиялик тадқиқотчилар томонидан жиддий танқид остига олинди [6]. Жумладан, конструктивизм тарафдорларидан

бири В. А. Тишков этнос назариясининг асосий танқидчиларидан бўлиб, этнос билан боғлиқ назарий-методологик қарашларни ноанъанавий усулда таҳлил қилиш асносида кескин танқид қилади [7]. Ўз навбатида, россиялик этнолог С. В. Чешко ҳам этноснинг келиб чиқиш асоси ҳозиргача мавҳумдир [8], деб хулоса билдирган.

2. Конструктивизм. Ушбу йўналишнинг асосий тарафдорлари кўпроқ хорижлик Б. Андерсон, Э. Геллнер, Ф. Барт, Э. Хобсбаум, М. Биллиг, Ф. Барта, В. А. Тишков, В. М. Воронков, В. С. Малахов, О. Бредникова каби олимлар ҳисобланади [9]. Айнан мазкур йўналишнинг дастлабки назарий-методологик асослари илк бора “плюралистик жамият” муаммосини ишлаб чиққан М. Смит ва Ф. Бартларнинг концепцияларида олға сурилган. М. Смит этнология учун анъанавий қарашлар асосида ижтимоий тузилиш бевосита маданий фарқлардан келиб чиқади деб ҳисобласа, Ф. Барт ўзига хос “коперникча ўзгариш” қилиб, “фарқлар ижтимоий тузилма ва ўзаро ҳаракатлар натижасидир” – деб таъкидлайди.

Ф. Барт этник ўзликни англашни этникликнинг муҳим аломатлари сирасига киргизмайди. Этник ўзликни англаш орқали шахс ўзининг этник ролини намоён қилади ва маълум бир гуруҳ аъзоси тарзида тасаввур этади. Шу боис улар этникликни аниқлашда этносга хос мада-ниятдан кўра унинг ҳозирги даврдаги фарқи ва гуруҳий чегарасига хос маданий тавсифини ҳал қилувчи аҳамият касб этади деб, ҳисоблайдилар.

Этниклик концепциясини таҳлил этишда этнолог В. С. Хан томонидан ҳам айрим амалий ишлар амалга оширилган бўлиб, у этнос ва этниклик назарияларининг келиб чиқиш тарихини хорижий материаллар асосида этнологик нуқтаи назардан таҳлил қилган [10]. Конструктивистик қараш тарафдорлари этнос ва миллатнинг тарихийлик принциплари асосида пайдо бўлганлигини буткул рад этадилар ва бугунги кундаги замонавий этнослар, жумладан, Марказий Осиё миллатлари (миллий республикалар ҳам) узоқ муддатли ривожланиш натижасида эмас, балки совет ҳокимиятини маҳаллий раҳбарлар ва зиёлилар кўмагида сунъий равишда барпо бўлган, деган ғояни илгари сурадилар.

Этнолог А. Ашировнинг таъкидлашича, бу фикр тарихий воқелиқдан кўз юмишга, этномиллий тарихдан воз кечишга қаратилган бўлиб, мавжуд назария ҳамда қарашларнинг нотўғри қўлланишидир [11].

Энди кўнғиротлар этник тарихи билан боғлиқ айрим назарий муаммоларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Тарихдан маълумки, ўзбек халқи таркибида кўплаб уруғ, уруғ бирлашмаси, уруғ тармоқлари ва ички кичик бўлимлари (тира, тўпор, тўп, ота, даҳа) номлари бўлиб, уларнинг ясалиши ва тузилишида, таркиби ҳамда номланишида умумийлик, ўхшашлик, яхлитлик мавжуд. Уларни умумўзбек этнони-мияси ёки туркий халқлар этнономияси билан қиёслаб, тарихий-қиёсий усулда тадқиқ қилиш этносларнинг номланишидаги маданий, маънавий, психологик ва бошқа ижтимоий-социал жараёнларни тўғри аниқлаш ва белгилашга йўл очади. Бир гуруҳ, ўзбек уруғлари номлари таркибида -т/-ат/-от/-ут/-ит қўшимчаси мавжуд: манғит, керайт, чуют, маркит/макрит, месит/мисит, кўнғирот, қиёт, жуйрат, уйрат, арлот, баёт, боёвут, ўймовут, саёт, дуғлат, эсат, бурқут, чилжувут, тўлангит. Бу турга дахлдор этнонимлар бошқа туркий халқларга ҳам хос: бошқирд, уйрот (олтой), теэт (қирғиз), танғут (қозоқ).

Кўнғиротларнинг уруғ-қабилалари тузилишини ўрганишда антропо-логларнинг замонавий назарий қарашларини инобатга олиш ва айнан мазкур қарашлар асосида тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, уруғчилик

тузилиши турли хил поғонали бўлган. Жумладан, қабила бирлиги, қабила, уруғ, уруғ бўлимлари ёки уруғчилик (авлод, уруғ, жинс, отадош, пушт, аймақ, жигардош) мавжуд бўлган.

Совет даврида олимлар қабила, уруғ, халқ, миллат атамаларига таъриф ва тавсиф беришга ҳаракат қилганлар. Чунончи, В. П. Алексеев: “ Кишилик жамиятининг иқтисодий турмуш тараққиёти, аҳолининг ўсиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига олиб келган. Бу ривожланиш жараёнидан уруғчиликдан қабила бирлигига олиб келди. Қабила бир неча қонқариндош уруғларнинг бирлашмасидан ташкил топди ” [11], – деб ёзади.

Умуман олганда, “ қабила ” сўзининг иккита маъноси мавжуд:

1). қариндош-уруғчиликка асосланган қабилага хос;

2). қабилалардан ташкил топган, аммо қариндош-уруғчиликка асосланиши шарт бўлмаган .

Қабила атамаси тузилмада қариндош-уруғчилик устун бўлган ва унинг аъзолари маданий (урф-одат, келиб чиқиши, шева ва тилда) жиҳатдан бошқаларидан ажралиб турадиган гуруҳлар учун ҳам қўлланиши мумкин .

Юқори Қашқадарё воҳаси аҳолиси этник таркибини тадқиқ қилган Қ.Кубаков фикрича, қабила бир қанча уруғлардан ташкил топган этник бирлик, уруғ – бир жамоа ёки битта авлодга боғланган кишилар гуруҳидир. Ана шу ном билан бу жамоа бошқаларга ҳам маълум бўлган .

Уруғ бўлимлари ўзларини бир мустақил авлод – пушт, насл, туғишган деб юритадилар ҳамда битта уруққа боғлайдилар.

Одатда, кўпчилик қишлоқлар аҳолиси уруғ-қабилачилик нима эканлигини тушунмасдан “ҳаммамиз бир элмиз” деб таъкидлайдилар. Шунингдек, “эл”, “юрт” тушунчалари уруғ номлари билан боғлиқ тарзда, яъни “ қўнғирот эли ” ёки “ Бойсун – қўнғирот юрти ” тарзда ҳам қўлланилади .

Қўнғиротлар уруғчилик муносабатларини изоҳлашда, асосан, уруғ ва ота ибораларини қўллаганлар. Чунончи бу борада Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари ўз уруғлари генеалогиясини баён қилишда ота ёки тўп иборасини, яъни “12 ота ойинли”(айинли, ойинни), “ 6 тўп тортувли ” тарзида қўллаганлар. Улар жуда кам ҳолатларда шох (тармоқ) сўзларини ишлатганлар.

Хуллас, Жанубий Ўзбекистондаги қабилавий тузилма концентрик, яъни битта умумий марказга эга бўлган ҳалқа, доира кўринишида тасаввур қилинган. Қабилалар бир нечта гуруҳларга, улар эса, ўз навбатида, кичик-кичик бўғинларга бўлинган. Бирлашган қабилалардан конфедерациялар (қабилалар иттифоқи) ташкил топган.

Элат – бу ўзлари бўлак-бўлак бўлиб яшаган авлодлар.

Уруғ–бир бобо ва бир момодан тарқалган аждод вакиллари бўлиб, қўнғиротларнинг барчаси ўзларини Гудрайбий Қўнғирот отага боғлайди ва улар 66 ота уруғ бор деб биладилар.

Аймақ – энг кичик уруғ шохобчаси бўлиб, қўнғиротлар тасарруфида 158 та шохобча – аймақ бор дейилади.

Уруғ ва қабилаларнинг юқори даражадаги бирлашувида кўп ҳолларда уларнинг келиб чиқиши борасидаги муносабатлар сақланиб қолади.

Тадқиқотчи А. Маликовнинг фикрича, кўпроқ сиёсий характерга эга, ўзаро ички муносабатлари, гетероген таркиби турлича бўлган кўчманчи ва ярим кўчманчи қўнғиротлар тузилмаларини белгилашда конфедерация атамасини қўллаш ўринли бўлади [12].

Биз учун муҳим бўлган атама бу – уруғ ҳисобланади. Р. Таппер уруғларни аниқлашнинг қуйидаги баъзи жиҳатларини тавсифлаган. “ Уруғларнинг асосий манфаатларидан бири бу –

чорва молларини биргаликда боқиш ҳуқуқи бўлган. Уруғ аъзолари бир жамоа бўлиб яшаган, биргаликда кўчган ва маълум бир диний маросимлар ўтказилаётганда бир ерга йиғилишган”. Дашти Қипчоқ ўзбекларининг айрим гуруҳлари (масалан, найман, уйғур, манғит, қўнғирот, қушчи, минг ва б.) Мовароуннаҳр ва Хоразм эгалланмасдан анча олдин мазкур ҳудудларга келиб ўрнашган эдилар. Уларнинг бошқа гуруҳлари эса XVI аср давомида кўчиб ўтганлар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, қўнғиротлар Мовароун-наҳр ва Хоразм ҳудудларига келиб ўрнашган кезларда кўчманчилик анъаналари ва уруғ-қабилачилик тартибларига риоя қилишган. Демак, биз бу мулоҳазалардан шунга амин бўламизки, қўнғиротлар Мовароуннаҳр ва Хоразмга ишлаб чиқариш ва давлат бошқарувининг янги кўринишларини жорий этмаганлар. Улар минтақада Темурийлар даврида ҳукмронлик қилган мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилганлар.

Қўнғиротлар Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб ўрнашгандан кейин бу ҳудудга олдинроқ келиб ўрнашган уруғдошлари билан аралашиб кетган. Вақт ўтиши билан улар маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб, муқим яшовчи ўзбекларга хос моддий ва маданий ҳаётни ўзлаштирган ва ўз навбатида, улар маҳаллий аҳоли тили, маданияти, турмуш тарзи, хўжалик анъаналарига маълум даражада таъсир кўрсатган. Улар Дашти Қипчоқда яшаганларида қипчоқ ёки қипчоқ-ўғуз лаҳжасида сўзлашганлар. Бу лаҳжалар Дашти Қипчоқ ўзбеклари кўчиб келмасдан анча олдин Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам кенг тарқалган эди. Дашти Қипчоқдан XVI асрда янги этник гуруҳларнинг кўчиб келиши билан бу лаҳжада сўзлашадиганлар сони янада кўпайган. Мазкур этник гуруҳларнинг ўтроқлашиш жараёнида уларнинг тили араб ва тожик сўзлари билан бойиган. Дашти Қипчоқ ўзбеклари хусусан, уларнинг ўтроқлашган гуруҳлари – маҳаллий ўзбек аҳолиси XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган қўнғиротларнинг ҳар бир нуфузли уруғи алоҳида бир ҳудудга эга бўлган ва ўзлари яшаган ҳудудда хўжалик ишларини йўлга қўйишган. Жамоанинг мол-мулкига масъул ва бошқа ташкилий ишларга бош-қош бўлиш уруғнинг энг номдор кишилари ҳисобланган бий ёки беклар зиммасида бўлган. Беклик аждоддан - авлодга мерос тариқасида ўтиб келган. Баъзида эса улар марказий амирлар томонидан тайинланган ва ҳукмдорларга тобе бўлишган .

XIX аср бошларида яшаб ўтган қўнғирот уруғидан бўлган Мулла Мурод Анна бой ўғли қабила ва уруғ сўзларини белгилашда “қавм” атамасидан фойдаланган. Ўзбек халқи халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган «Алпомиш» достонида “қавм” ва “қариндош” сўзлари синоним сўзлар сифатида баён қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, “қавм” атамаси қўшни Афғонистон ўзбеклари орасида ҳам кенг тарқалган .

Ўзбеклар учун оиласининг етти авлодини билиш муҳим аҳамиятга эга бўлган ва бу улар учун ёзилмаган қонун ҳисобланган. Ҳозирги кунга келиб бу қоида ўз кучини бирмунча йўқотган. Аммо биз тадқиқ қилган Жанубий Ўзбекистоннинг қўнғиротлар яшайдиган кўплаб қишлоқларида етти авлоди, етти пуштини билиш шарт ҳисобланган. Кимда-ким ўз аждодларини билмаса, жамоа унга нисбатан салбий муносабатда бўлган ва жамоавий тадбирлардаги энг масъулиятли вазифалар юкланмаган.

Ўзбек уруғларининг айрим бўғинлари, хусусан, XX асрнинг 60–70 йилларида Қарши, Нишон чўлларини ўзлаштириш муносабати билан чўлга мажбуран кўчирилган қўнғиротлар вақт ўтиши билан ўзларининг қайси уруғ ва қабилага мансублигини унутишган ва бу ҳудудга кўчиб келган бошқа аҳоли билан аралашиб кетган. Аммо қўнғиротларнинг асосий қисми бугунги кунда ҳам ўзларининг қайси уруғ ва уруғ шохобчага мансублигини яхши билишади.

Тарихдан маълумки, сиёсий воқеалар, урушлар, тирикчилик дардида ҳамда бошқа мақсадларда амалга оширилган кўчишлар даврида турли уруғ ва қабилалар бир-бирларига қўшилиб кетишган (одатда, кам сонли кучсиз гуруҳлар кучлиларига алоҳида бир уруғ ёки кичик бўғинлар сифатида қўшилган). Шунинг учун ҳам кўплаб уруғ, қабилалар гуруҳларида келиб чиқиши турлича бўлган уруғ ва қабилалар вакиллари учратиш мумкин. Шундай қилиб, кўплаб ўзбек уруғлари этник жиҳатдан бир бутунликни ташкил этмаган. Улар келиб чиқиши турлича бўлган авлодларнинг қўшилиши натижасида бир умумий уруғ номи остида бирлашишган. Шундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, уруғ аъзоларининг бир-бирлари билан қон-қариндошчилиги тўғрисида гапириш бир оз баҳслидир. Тадқиқотчи А. Маликовнинг ёзишича, маълум бир уруғларни фақат қадимий анъаналар ҳақида хаёлий таассуротларгина бирлаштирган бўлиб, бундай таъриф қўнғиротларга ҳам тааллуқлидир .

Дарҳақиқат, ижтимоий, иқтисодий қарама-қаршиликлар, ўзаро ички низолар охир-оқибат уруғларнинг бўлиниб кетишига ва уларнинг ўрнида кичик-кичик мустақил гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келган. Бироқ, ички низолар таъсирида тарқалиб кетган уруғлар вакиллари ўзлари аввал яшаб келган худудда ўз қабилалари таркибида қолишлари мумкин бўлган. Лекин, ажралиб чиққан ҳар бир гуруҳнинг ўз кўчиш манзили, яйлови, қишлоқ жойи ва оқсоқоли бўлиши лозим бўлган. Бу гуруҳлар ўзларига кўшни бўлган бошқа уруғ, ҳатто қабилаларга қўшилишлари ҳам мумкин бўлган. Бундай ҳолатларда улар алоҳида тўп (уруғ таркибида) ёки уруғ (қабил таркибида) кўринишида фаолият юритишган. Урушлар ва уруғлар ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида уруғларнинг тарқалиб кетиши XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар одатий ҳол ҳисобланган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мағлуб бўлган қабилалар бошқа жойларга кўчиб кетишган ёки ғолиб томоннинг мурувватига сазовор бўлиб, ўзларининг аввалги жойларида яшаб қолишган. Бунда улар турли сиёсий уюшмаларга бирлашишлари ҳам мумкин бўлган .

Ажралиб чиққан уруғ бўғинлари, одатда, ўзларининг аввалги уруғлари номларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Аммо, уларнинг бир қисми, асосан, кейинроқ ташкил топганлари уруғларига янги ном қўйишган. Бунда улар ўтган аجدодлари уруғлари номларидан фойдаланишган ёки ўзларича бир номни танлашган. Бундан ташқари, яшаб ўтган жойлари номидан келиб чиқиб ҳам янги атамалардан фойдаланилган.

Тадқиқотчи А. Маликовнинг ёзишича, “Алпомиш” достонининг Зарафшон водийси худудида тарқалган талқинида Сурхондарёдаги талқинидан фарқли ўлароқ, қўнғиротлар ўз уруғининг бўғинларига унчалик аҳамият беришмайди . Қолаверса, Ўрта Зарафшон водийсида яшаётган ўзбекларнинг қўнғирот уруғига мансуб аксарият кекса авлодлари бугунги кунга келиб ўзларининг уруғ бўғинлари номларини билишмайди. Бухоро воҳасидаги айрим қишлоқларда яшаган қариялар XX асрнинг ўрталаригача ҳам ўз аجدодларининг келиб чиқиши тарихини, қайси уруғга мансублигини яхши билишган. Аммо, бугунги кунга келиб буларнинг барчаси деярли унутилган .

Уруғларга, худди қабилаларда бўлгани каби кайвонилар (ёши улуғ, кўпни кўрган, кўп нарсани биладиган, уддабурон киши ёки бек, бий, оқсоқол деб аталган кишилар) етакчилик қилганлар. Уруғ оқсоқоллигига номзодлар кўп ҳолларда кайвонилар томонидан кўрсатилган.

Уруғ оқсоқолларининг жамоани бошқаришда ҳуқуқи анча чекланган. Уларнинг қабил оқсоқоли (агар уруғ қабил таркибида бўлса) ҳамда кайвонилар рухсатисиз мустақил равишда иқтисодий ёки сиёсий характерга эга бўлган бирон-бир қарор қабул қилишга ваколатлари

бўлмаган. Улар фақат ўз уруғлари доирасида тўйю тантаналар, маросимлар ўтказишган, жамоат ишларини (ҳашар ва шу кабилар) ташкил этишга бош-қош бўлганлар. Ушбу тадбирларни ўтказиш олдидан оқсоқол уруғнинг ҳурмат-эътиборли кишилари билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикрларини инобатга олган.

Умуман олганда, оқсоқол уруғ орасида ҳар ишни бажаришга қобил, тажрибали кекса киши бўлган. Айнан унинг айтган гапларини уруғ аъзоларининг барчаси сўзсиз бажариши шарт бўлган. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида яшовчи қўнғиротларда оқсоқолнинг бажарадиган асосий ишлари ўзаро маслаҳатлашиб кўчиш вақтларини белгилаш, ўтовларни қуриш учун қулай бўлган ерни, уруғларга тегишли бўлган яйловларни ва уларнинг чегараларини аниқлаш бўлган. Айнан мазкур тартибларни ёки уруғ орасида қабул қилинган ўзаро ички тартиб-қоидаларни бузган уруғ аъзолари ўзаро биргаликда муҳокама қилинган. Одатда, гуноҳкор киши жазоланган ёки жаримага тортилган. Оқсоқолнинг чиқарган қарори қайта кўрилмаган. Айнан қабул қилинган одатга кўра, унинг қарорини барча уруғ аъзолари эшитган. Агар бир неча уруғлар орасида келишмовчиликлар ва тортишув бўлса, уруғ оқсоқоллари биргаликда бу муаммоларни ҳал қилганлар.

Хуллас, қўнғиротлар этник тарихи билан боғлиқ айрим назарий-методологик қарашлар таҳлили якуни тарзида шуни таъкидлаш жоизки, этнос ва субэтнослар билан боғлиқ қарашлар ўз ечимини топган муаммо деб бўлмайди. Айнан бугунги кунда этнос ва этниклик муаммоси доирасидаги қарашлар мустақил икки қарама-қарши–примордиалистик ва конструктивистик назариялари асосида мужассамлашган. Қолаверса, этнологияда ҳозирги кунга келиб этнос ва этниклик муаммоси доирасида мукамал концепция мавжуд эмас. Бизнингча, яқин келажакда этникликка оид тадқиқотлар янада баҳсли тарзда давом этади ва ҳозирги мавжуд қарашлар асосида янги назариялар яратилса ажаб эмас.

Юқоридаги мулоҳазалардан яна шунга амин бўлдикки, қўнғиротлар этник тарихига субэтносларнинг энг қадимги даврларидан бошлаб бир қанча тарихий босқичларни ўтиб, то бизгача давом қилиб келган катта давр кирган. Бошқача айтганда, қўнғиротларнинг этник тарихи мазкур субэтносларнинг қадимда ва илк ўрта асрларда қадим аجدодлари, уларнинг Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига кириб келиб, жойлашиши ҳамда маҳаллий аҳоли билан ўзаро этномаданий муносабатларга киришиши ҳамда унинг кейинги тараққиёт тарихини ўз ичига олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни .Шониёзов К. Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари // ЎИФ. – 1996. – №6. – 79–87 б.; Ўша муаллиф: Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари // ЎИФ. – 1998. – №6.–31– 44 б.; Асқаров А.
2. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // O'zbekiston tarixi. – 2002. – №4. – 54–60 б.: Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, Ўзбекистон, 2015. 680 – б.: Абдуллаев У. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари // O'zbekiston tarixi. – 2002. – №1. – 60–65 б.
3. Pardayev A., Marjona H. THE CRUSADES AND THEIR INFLUENCE ON EUROPE //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 5. – С. 37-42.
4. Пардаев, А. А. (2020). ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-1№ 3).

5. Pardayev, A. (2022). Provision of Drinking Water and Gas to the Population of Kashkadarya Region. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(2), 100-103.
6. ALIMKHANOVNA, A. N. Applying Effective Methods to Stabilize Inflation: the Role and Importance of Monetary Policy in Curbing Inflation. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 7(4), 1-4.
7. Jakhongir, O. (2022). WAYS OF DEVELOPING THE FINANCIAL MARKET. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(9), 569-574.
8. Jakhongir, O. (2022). FINANCIAL POLICY. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(10), 592-597.
9. Mekhruza, V., Abdurahmon, A., Farrukhjon, K., Lazizjon, I., Rohel, G., & Manzurakhon, A. (2022). Marketing Strategies and Business Analysis in the Case of Lamborghini Company. INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY, 1(5), 1-8.
10. Vafokulova, M., & Juraev, U. (2022). Marketing strategy and failure of Forever 21.(What is the reason behind Forever 21's failure?). Eurasian Research Bulletin, 4, 67-75.
11. Хасанова ЮМ, Рузиев ЗИ. Жумаева Гулрух Журакуловна. Друкується за рішенням Вченої ради Державного університету «Житомирська політехніка»(Протокол № 12 від 25.11. 2019 р.) Редакційна колегія: д. е. н., проф. ВВ Євдокимов.;426.
12. Ikramovich RZ, Mirjalilovich IA. THE ROLE OF BANKING SERVICES IN ENSURING THE STABILITY OF THE BANK. In" ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM 2021 Jun 15 (pp. 132-133).
13. Akmaljon O, Erkin G, Nodira M. DIGITAL MARKETING. Uzbek Scholar Journal. 2022 Nov 11;10:112-6.
14. Saidazimkhon, S. (2022, August). LEXICOGRAPHICAL FORMATION AND THE USAGE OF MILITARY TERMINOLOGY IN ENGLISH. In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 11, pp. 57-62).
15. Bobokalonov, M. K., & Khamdamova, D. (2022). USING ARCGIS SOFTWARE TO CREATE A LAND RECLAMATION MAP. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11), 385-388.
16. Bobokalonov, T. M. K. (2022). The procedure for performing parametric equalization of a triangulation grid using Microsoft Excel. The Peerian Journal, 11, 19-30.
17. Bobokalonov, M. H. (2020). Planning of Erosti Communications on the Basis of Building Standards in the Planning and Construction of the City. International Journal on Orange Technologies, 2(7), 9-10.
18. Бобокалонов, М. Х. (2022). МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ ЦИФРОВЫХ КАРТ В УЗБЕКИСТАНЕ В ARCGIS 9.3. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science, 3(12), 194-197.
19. Vinceti, B., Elias, M., Azimov, R., Turdieva, M., Aaliev, S., Bobokalonov, F., ... & Loo, J. (2022). Home gardens of Central Asia: Reservoirs of diversity of fruit and nut tree species. PLoS One, 17(7), e0271398.
20. Ismoiljon O'g'li, T. N. (2022, October). MODERN MANAGEMENT SYSTEM IN LEADING AMERICAN COMPANIES. In Archive of Conferences (pp. 157-160).
21. O'g'li, T. N. I. (2022). STRATEGY OF GREAT LEADERSHIP IN RUSSIAN COMPANIES. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 5, 1-3.
22. Abdirazzakovich, B. A. (2022). Effects of intercropping on soil fertility and yield of winter wheat. The Peerian Journal, 13, 80-82.

23. Abdirazzakovich, B. A., & Razzak, O. (2022). EFFECT OF PREVIOUS CROPS ON SOIL FERTILITY AND WINTER WHEAT YIELD. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(12), 723-727.
24. RIZAEV, S. (2021). THE INFLUENCE OF AGRO-TECHNICAL AND CHEMICAL WEEDS CONTROL MEASURES AND YIELD OF AUTUMN WHEAT IN ZARAFSHON VALLEY OF UZBEKISTAN. *PLANT CELL BIOTECHNOLOGY AND MOLECULAR BIOLOGY*, 38-46.
25. Uzaqbaevich, I. D. (2022). EFFECTS OF SHORT-TERM CROP ROTATION SYSTEMS ON THE GROWTH AND DEVELOPMENT OF COTTON.
26. Буриев, А. А., & Орипов, Р. (2018). ВЛИЯНИЕ ПРЕДШЕСТВЕННИКОВ НА УРОЖАЙНОСТЬ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ ОРОШАЕМЫХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЁМОВ. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 254-256).
27. Муродов, М. М., & Чулиев, Л. Э. (2021, October). Турли Объектлар Асосида, Яъни Пахта Тозалаш Корхоналарининг Толали Чиқиндилари Ва Павлония Ҳамда Банан Целлюлозаларидан Е-466 Олиш Технологияси Ва Унинг Физик-Кимёвий, Механик-Структуравий Хоссалари. In " *ONLINE-CONFERENCES*" PLATFORM (pp. 316-320).
28. Kholmuradovich, K. B. (2022). " People's Diplomacy"-An Important Factor for the Development of Regional Cooperation. *The Peerian Journal*, 6, 71-74.
29. Kholmuradovich, K. B., & Kizi, A. G. R. (2020). The Concept Of" People's Diplomacy", Its Content And Significance. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(07), 177-183.
30. Raupov, C., Karimova, A., Zokirov, F., & Khakimova, Y. (2021). Experimental and theoretical assessment of the long-term strength of lightweight concrete and its components under compression and tension, taking into account the macrostructure of the material. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 264, p. 02024). EDP Sciences.
31. Hakimova, Y. T. L., & Daler Doniyor o'g'li, R. (2022, October). YANGI O 'ZBEKISTON YOSHLARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCE DEDICATED TO THE ROLE AND IMPORTANCE OF INNOVATIVE EDUCATION IN THE 21ST CENTURY* (Vol. 1, No. 5, pp. 51-53).
32. Shermukhamedov, U., Karimova, A., Khakimova, Y., & Abdusattorov, A. (2022). MODERN TECHNIQUES FOR THE CONSTRUCTION OF MONOLITHIC BRIDGES. *Science and innovation*, 1(A8), 790-799.
33. Mardonov, B., An, E., Shojalilov, S., Khakimova, Y., & Ismoilova, G. (2021). Transverse Vibrations of Underground Pipelines with Different Interaction Laws of Pipe with Surrounding Soils. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 264, p. 02035). EDP Sciences.
34. Nurmatova, F. B. (2022, October). Integrative Learning of Biophysics in a Medical University. In " *ONLINE-CONFERENCES*" PLATFORM (pp. 43-46).
35. Bobomuratov, T. A., Nurmatova, N. F., Sultanova, N. S., & Fayziyev, N. N. (2022). Impact of breastfeeding on the physical and somatic development of children. *International Journal of Health Sciences*, 6, 3505-3511.